

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Invest Finance Bank» акциядорлик
тижорат банки
(эмитентнинг номи)

Банк Кенгаши Ранси А.Н. Ахмаджанов

(эмитентнинг кенгаши рансининг Ф.И.Ш. ва имзоси)

2017 йил «7 март 25» – сонли баённома



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Кимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази
(руйхатдан ўтказувчи органининг номи)

Бош директори Б.А. Шакиров

(руйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

2017 йил «5» апрел 2020-10 – сон
(сана)



М.Ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
«Invest Finance Bank» Акциядорлик тижорат банки
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди: RU110P0820R7

Эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги 300 519 320 (уч юз миллион беш юз ўн тўққиз минг
уч юз йнгирма) дона акциялар номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўнинчи чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: АТБ «InFinBank» Кенгаши мажлисининг 2017 йил 7 март Қарори 25 – сонли мажлис
Баённомаси.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

АТБ «InFinBank» Кенгаши мажлисининг 2017 йил 7 март Қарори 25 – сонли мажлис
Баённомаси асосида.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100029,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй. Телефон:
(+99 871 202 50 60), электрон почта манзили – info@infinbank.com

Эмитентнинг раҳбари:



Бош бухгалтер:

Мухр

Абдуллаев Зикирилло Сағдуллаевич
(Ф.И.Ш., имзо)

Тошпулатхужаев Жамолхужа Омонхўжа ўғли
(Ф.И.Ш., имзо)

Сана: 2017 йил «7» март

Кимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция
маслаҳатчисининг номи – «КАПИТАЛ-ДЕПОЗИТ» масъулияти чекланган жамияти
Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси – 2012 йил 01 августдаги 16/K12
сонли шартнома

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. ва имзоси – Директор Ходжаев Фаррух Раҳимджанович



Мухр

Сана: 2017 йил «7» март

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури – оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – хужжатсиз.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал киймати – 1 000 (бир минг) сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони – 300 519 320 (уч юз миллион беш юз ўн тўққиз минг уч юз йигирма) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми – 300 519 320 000 (уч юз миллиард беш юз ўн тўққиз миллион уч юз йигирма минг) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари – Банкнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:
 - Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
 - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
 - Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат ношижорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
 - Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
 - Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – Банк Уставининг 6.9., 6.10. бандларида Банк акцияларини сотиб олишга чекловлар мавжуд. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ, чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали аввалдан аниқланган инвесторлар ўртасида жойлаштирилади.
8. Банк устав капиталининг миқдори – 139 480 680 000 (бир юз ўттиз тўққиз миллиард тўрт юз саксон миллион олти юз саксон минг) сўм;
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Номинал киймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 139 480 680 (бир юз ўттиз тўққиз миллион тўрт юз саксон минг олти юз саксон) дона хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Банк илгари облигацияларни муомалага чиқармаган.
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.
- 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):
(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал оловчилар доираси ҳам кўрсатилади).
Акциялар ёпиқ обуна орқали қўйидаги инвесторлар ўртасида жойлаштирилади:

Юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш.	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
«ЕКOPEN» масъулияти чекланган жамияти	61 681 515
«Alfa Group» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонаси	66 163 626
«Agroplastimpeks» масъулияти чекланган жамияти	13 000 000
«Prestij Rielt» масъулияти чекланган жамияти	20 000 000
«Real Plast Servis» масъулияти чекланган жамияти	79 570 315
«Swiss Capital International Group AG» Компанияси (Швейцария)	60 103 864
Жами	300 519 320

- 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:
(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)
Чиқарилаётган акциялар қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил муддатда жойлаштирилади.
Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига олинган кундан бошланади.
Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартirilган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Мазкур чиқарилишдаги Банкнинг акциялари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар билан бевосита фуқаролик-ҳуқуқий битим тузиш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади, бунда битимлар хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан рўйхатга олинади. Акцияларни жойлаштириш Банк томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Номи – “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй;

Телефон – 236-14-34, Факс: 233-13-57.

Қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқларини ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Kapital-Depozit” масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Оқкўрғон кўчаси 25-уй, телефон: 286-20-32, Факс: 286-20-31.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)

Имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Банк Кенгаши қарори билан белгиланадиган бозор баҳосида, бироқ номинал баҳосидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартirilган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш — топшириш даллатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартirilган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, норезидент инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ва/ёки хорижий валютада амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади. Инвесторлар сотиб олинган акциялар учун пул маблағларини Банк билан тузилган акциялар олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда тўлиқ тўлашлари лозим. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

Акциялар учун тўланадиган пул маблағлари «30318-Чиқарилган устав капитали - Оддий» баланс ҳисобварақларида юритилади, акцияларни сотишдан олинган пул маблағларининг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори «30603- Қўшимча капитал» баланс ҳисобварағида юритилади. Аналитик ҳисобда акциядорлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлар юритилади. Акциялар учун пул маблағлари АТБ “InFinBank” Бош офисининг қуйидаги транзит ҳисоб рақамларига қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида – 29830000700001041005;

Хорижий валютада (АҚШ Доллари) – 29830840900001041001;

Банк коди – МФО 01041.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар

тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби – Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:

АТБ «InFinBank» томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда муҳим фактлар ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Банкнинг расмий вэб сайтида эълон қилинади. Акциялар учун тўланган маблағлар инвесторларнинг аризаларида кўрсатилган АТБ «InFinBank»даги ёки бошқа банклардаги ҳисобварағларига 3 (уч) банк иш куни давомида тўлик ўтказиб берилади. Акциялар учун тўланган пул маблағлари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй манзили бўйича Банк бош офисининг транзит ҳисоб рақамлари орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Ахборот-маълумот тизими манзили – www.infinbank.com, www.uzse.uz, www.openinfo.uz.

Банк қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй манзили бўйича жойлашган АТБ «InFinBank» Бош офисиди, нусхалари билан эса банкнинг барча филиалларида ҳамда банкнинг веб-сайтида (<http://www.infinbank.com>) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

13.1. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2007 йил 24 декабрда 75-рақам билан рўйхатга олинган.

13.2. Тўлик почта манзили – 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.

13.3. Эмитент солиқ органининг номи ва СТИР – Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 206 942 764.

13.4. Асосий фаолият турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (хизматнинг) турлари – Банк хизматлари.

13.5. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

Корхонанинг хос рақами (ОКПО) – 22220067;

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКОНХ) – 96120;

МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – 144;

Манзили бўйича МХОБТ тўлик хос рақами (СОАТО) – 1726273;

ТХШ бўйича ташкилий – ҳуқуқий шакли (КОПФ) – 153.

